





# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

7-сон  
2012



# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

*Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан иқтисод фанлари доктори ва иқтисод фанлари номзодлари илмий даражаларини ҳимоя қилишда мақолалари ҳисобга олинган журналлар рўйхатида киритилган*

7  
2012

ТАЪСИСЧИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

*Таҳрир ҳайъати:*

И.ф.д., проф. Ходиев Б., и.ф.д., проф. Бегалов Б. – кенгаш раиси ўринбосари, и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ., и.ф.д., проф. Алимов Р., и.ф.д., проф. Ахунова Г., и.ф.н., доц. Ахмедов И. и.ф.д., проф. Бекмуродов А., и.ф.д., проф. Болтабоев М., и.ф.н., доц. Гадоев Э., Академик Фуломов С., и.ф.д. Далиев А., и.ф.д., проф. Икромов М., и.ф.н. Рахимов С., и.ф.н. Тураев Б., и.ф.н. Фарманов А., и.ф.н. Шайхов А., и.ф.д., проф. Хасанов Б., и.ф.д., проф. Холмўминов Ш., и.ф.н. Ходжаев Б., и.ф.н. Қўчқоров Ж., и.ф.д., проф. Қодиров А., и.ф.д., проф. Эгамбердиев Ф., и.ф.н. Югай А.

Бош муҳаррир и.ф.д., проф. Иватов И.

Тошкент Давлат иқтисодиёт  
университетининг «*Иқтисодиёт*»  
нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

ISSN 2010-6130

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 02-0041-рақами  
билан рўйхатга олинган.

© Иқтисодиёт ва таълим, 2012.

ТОШКЕНТ

# МУНДАРИЖА

## I. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Халимов Ф. Мусаев Х.	Инвестициялар: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш пойдеворидир.....	4
	Туризм инфратузилмалари ривожига инвестицияларни жалб қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш.....	6
✓Жумаева Д. ✓Рустамов Н.	Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида бизнес фаолияти ва уни йўлга қўйиши....	9
	Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга саноат корхоналари самарадорлигининг таъсири.....	11
✓Мусаева Ж.	Иқтисодиётни глобаллаштириш шароитида инвестицион фаолликни ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожлантириш зарурияти.....	14
Давлатов С.	Ўзбекистон олий таълим тизимида сифатни юксалтиришнинг устувор йўналишлари ва имкониятлари.....	17
Ким Е. Давронов О.	Туристический кластер – инновационный подход в развитии туризма региона.....	19
	Тўқимачилик корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш ва унда янги технологияларни қўллаш.....	22

## II. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

Усмонова Д.	Повышение роли местных органов самоуправления в развитии сферы услуг в сельской местности.....	24
Юлдашев Д.,	Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлашдаги роли.....	27
Мустафакулов Ш., Жумаев Б.	Қишлоқ жойларида замонавий хусусий уй-жойларни қуриш дастурини жадаллаштириш.....	30
Касимова Ф.	Эркин ҳўжалик юритиш шароитида бизнес ватадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	32

## III. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Тошходжаев М.	Корпоратив бошқарувда акциядорлар муносабатлари ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш.....	35
Матмуродов Ф. Мўминова Н.	Сегментация рынка недвижимости и закономерности в месторасположении объекта.....	37
	Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш (ФОССТИС) тизимини қўллаш самарадорлиги.....	39
Темиров Ж.	Автомобиль транспорти тизимини суғурталашда маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари.....	43
Усманова З.	Туристическо-рекреацион хизматларнинг фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичидаги ўрни.....	45
Эгамбердиев Р.	Ўзбекистонда кичик эркин ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этиш истиқболлари.....	48
Ходжаева Н. Джурабекова О.	Экономический анализ функционирования транспортной системы.....	50
	Социально-экономические предпосылки и особенности формирования доходов предприятий сферы услуг.....	53
Ҳақимова М., Заиджанова Ҳ.	Глобаллашув шароитида бошқарув кадрлари тайёрлашнинг замонавий тенденциялари.....	56
✓Авезова Ш. ✓Алимова Д.	Информационный менеджмент на рынке инновационных технологий.....	59
	Енгил саноат корхоналарини ривожланишида инновацион маркетинг стратегияси.....	60
Бочкарева Е. Алимова М.	Развитие и управление в ресторанном хозяйстве общественного питания.....	63
Тошалиева С. Шодиев Р., Хусанов Б.	Инновационный подход к развитию сферы туризма.....	66
	Деҳқон бозорида маркетинг фаолиятини қўллаш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	69
Хуррамова З.	Бошқарув самарадорлигининг рақобатбардошликка таъсири.....	71
	Эркин бозор муносабатлари шароитида сўт маҳсулотлари маркетингини шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиши.....	73
Кутбитдинова М., Ибрагимова Д., Турғунбоев У.	Товарлар ва хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотлари объекти ва рақобатбардошликнинг ривожлантирилиши.....	74
Абдурахмонова Н. ✓Мухсинов Б.	Формирование туристского продукта и о целесообразности его разработки.....	77
	Корхоналар маркетинг тадқиқотлари ва унда ахборот-коммуникация таъминотида фойдаланиш.....	79
Куймуратова М.	Минтақада туризм жараёнларини ривожлантириш ва унга инвестицияларни жалб этиш.....	81

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

конунлар бизнес атрофидаги муҳитнинг «ўйин қоидалари»ни белгилаб беришга кўмаклашади.

Бизнес муҳитнинг ривожланиши, маълум бир маънода жамиятнинг дунёвий тараққиётига асос бўлувчи шарт-шароитлар шакллантирилиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу шароитлар жамиятнинг иқтисодий фаол катламларига яратилган имкониятлар ва уларнинг фаолиятини чекловчи қоидалар, тамойиллар, меъёрлар билан белгиланади. Жамият фаровонлигини янада ошириш мақсадида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг уларни ўраб турган ишчан муҳитдан манфаатдорлиги нафақат уларга, балки бошқа жамият аъзолари учун ҳам маълум маънода наф келтиради, албатта.

Ижтимоий тизимларнинг самарадорлига бевосита бошқарув механизмларига боғлиқ бўлиб, бизнес муҳитнинг ривожланишига ҳам самарали бошқарув механизмларини татбиқ этиш жуда муҳим. Иқтисодий ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнлари у ердага мавжуд бизнес муҳитнинг шаклланиш анъаналарини белгилаб берди. Иқтисодий ислохотларнинг негази сифатида амалга оширилаётган мулкрий муносабатларнинг шаклланиши республика бизнес муҳитининг ривожланишига самарасиз ҳисобланувчи маъмурий-буйруқбозликдан демократик бошқарув тизимларига ўтишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар бизнес муҳити ривожланишини таъминлашда замонавий усуллардан фойдаланиш зарурияти сезилмоқда. Бунда бизнес учун қулай муҳитни асрлар давомида, «тажриба ва хатолар» усулидан фойдаланиб яратган ғарб мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш лозимлигини таъкидлаш билан бирга, уларни мамлакатимиз бизнес муҳитини ривожлантиришга асоссиз кўчириб ўтказиш самарасиз эканлигини ҳам қайд этиш лозим.

Тадқ. Н. Рустамов

### *Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга саноат корхоналари самарадорлигининг таъсири*

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳисобланади. Президент И.А. Каримов таъбири билан айтганда, «Аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодийтимизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позициясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар, миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари билан ҳамоҳангдир»[1].

Аҳоли турмуш даражаси кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжи қондирилиши ва ижтимоий турмуш шароити яхшиланиб боришини билдиради. Аҳоли турмуш даражасини яқинлашда «аҳоли фаровонлиги», «турмуш шароити», «турмуш тарзи», «турмуш сифати» тушунчалари қўлланилади. Аҳолининг турмуш фаровонлиги инсонлар эҳтиёжларининг ривожланишини, ҳаёт фаолиятидаги асосий муҳит: ишда, истеъмолда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларни қондириш йўллари ва шароитларини ўзида акс эттиради.

Аҳолининг турмуш даражаси мураккаб, кўп қиррали тушунча бўлиб, умумий маънода ҳам, алоҳида талқинларда ҳам аниқликни талаб қилади. Турмуш даражаси ва ижтимоий ишлаб чиқариш ўртасида тесқари алоқа мавжуд. Бу корхонадаги меҳнат ресурсларининг сифат хусусиятларига ҳамда ишловчининг меҳнати самарадорлигига боғлиқ ва ходимни юксак меҳнат унумдорлигидан манфаатдорлиги ошиши билан асосланади.

Бухоро вилоятида аҳолининг умумий даромадлари ўсиши 2011 йилда 130,9 фоизни, 2012 йилда 126,4 фоизни ташкил этди. Вилоятда аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромад миқдори 2011 йилда 2594,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3219,4 минг сўмга етди. Аҳоли жон бошига реал даромаднинг ўсиши 2011 йилда 118,4 фоизни, 2012 йилда 115,7 фоизни ташкил этди. Аҳолининг умумий даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад улуши 2011 йилда 54,1 фоизга, 2012 йилда эса 55,4 фоизга тенг бўлди.

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Жадвал

### Бухоро вилоятидаги саноат корхоналари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2012 й.да 2008 й.дагига нисбатан, %
1.	Корхоналар сони	1407	1574	1632	1607	1618	115,0
2.	Маҳсулот ҳажми (млрд. сўм)	940,2	1095,2	1419,7	1884,8	2054,2	218,5
3.	Ишловчилар сони (минг киши)	79,8	83,4	87,1	90,7	94,6	118,5
4.	Ўртача ойлик иш ҳақи (м.с)	380,0	493,8	568,0	787,3	998,3	262,7
5.	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	11781,9	13131,9	16299,6	20780,6	21714,5	184,3

Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби. 2012 йил учун дастлабки маълумотлардан фойдаланилди.

Бухоро вилоятида 2012 йилда 2054,2 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Бу 2011 йилдагига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилади. Вилоятда 11 дан ортиқ саноат тармоқлари мавжуд. Уларда мулкчиликнинг барча шаклларидаги 10089 дан ортиқ саноат корхонаси, жумладан, 25 та йирик корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан 2012 йилда 1600,5 млрд.сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши мумкин. Бу аввалги йилдагига нисбатан 102,6 фоизни, вилоят саноат маҳсулоти ҳажмида эса 77,9 фоизни ташкил этади.

2012 йилда вилоятда амалдаги нархларда 837,8 млрд. сўмлик ёки аввалги йилдагига нисбатан 103,6 фоиз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Жумладан 321,8 млрд.сўмлик озиқ-овқат, 516 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат ва 84,7 млрд.сўмлик енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу аввалги йилдагига нисбатан мос равишда 111,8, 99,1 ва 109,8 фоизни ташкил этади. Аҳоли жон бошига 487,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 102,2 фоиз ўсишга эришилади.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, саноат корхоналарида ишловчилар сони кўпаймоқда, ишловчиларнинг иш ҳақи ошиб, меҳнат унумдорлиги ўсиши рўй бермоқда. Бу, вилоятда саноатни ривожлантириш асосида ишловчилар турмуш даражасини ошириш бўйича ижобий натижаларга эришилаётганидан далолат беради.

Саноат корхоналари самарадорлиги ошишининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини услубий жиҳатдан кўриб ўтамыз.

Саноат корхоналарида самарадорлик ошиши меҳнат унумдорлиги ошишидан иборат, деб қабул қиламыз (бу  $u_1$  билан белгиланади).

Ишловчиларнинг меҳнати унумдорлиги ошиши натижасида улар оладиган даромад, яъни иш ҳақи ошади (бу  $u_2$  билан белгиланади).

Саноат корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида давлат ҳам самара олади (бу  $u_3$  билан белгиланади).

Давлат оладиган самара қуйидагилардан иборат:

- саноат корхоналарида самарадорлик ошиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми ҳам ошади. Натижада давлатнинг қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришдан оладиган солиқлари кўпаяди;

- саноат корхоналаридан ишловчилар кўпроқ иш ҳақи олиши натижасида давлатнинг иш ҳақидан ундирадиган солиқлари ҳам ошади;

- саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида саноат маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш ҳажми ошади, бу эса давлат хазинасига валюта тушуми ва божхона тўловларини кўпайтиради;

- ўз навбатида, давлат бюджетига тушган қўшимча маблағлар аҳоли ўртасида қайта тақсимланади ва аҳоли турмуш даражасини оширади.

Саноат корхоналарида ишловчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошишини қуйидаги ( $u_1$ ) функция кўринишида ифодалаймиз:

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

$$y_1 = \frac{\Delta x_1}{\Delta x_2};$$

Бу ерда:

$y_1$  – саноат корхоналарида ишловчилар меҳнат унумдорлиги ошиши функцияси;

$\Delta x_1$  – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши;

$\Delta x_2$  – саноат корхоналаридаги ишловчилар сони ўзгариши.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошиши ўз навбатида, иш ҳақини ҳам кўради, деб ҳисобласак, ишловчилар оладиган иш ҳақи ошиши функциясини ( $y_2$ ) қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$y_2 = k_1 \cdot \Delta W;$$

Бу ерда:

$y_2$  – саноат корхоналарида ишловчилар иш ҳақининг ошиши функцияси;

$\Delta W$  – иш ҳақи миқдорининг ошиши;

$k_1$  – иш ҳақи ошишининг меҳнат унумдорлиги билан боғлиқлик коэффиценти;

$k_1$  коэффицентини қуйидаги формуладан келиб чиқиб аниқлаймиз:

$$\frac{Y}{n} k_1 = W_y; \text{ бундан: } k_1 = W_y \frac{n}{Y};$$

Бу ерда:

$Y$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$n$  – корхонадаги ишловчилар сони;

$W_y$  – ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи.

Саноат корхоналарида самарадорлик ошиши натижасида маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ошиши давлат кўрадиган манфаатларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Яъни, илгари кўриб ўтганимиздек, саноат корхоналарида умумий маҳсулот ҳажми ( $\Delta x_1$ ) ошгандан кейин давлатнинг саноат маҳсулотлари кўпайишидан оладиган солиқлари миқдори ошади. Шунингдек, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ошиши натижасида давлатнинг ишловчилардан оладиган даромад солиқлари миқдори ҳам кўпаяди.

Буни қуйидаги ( $y_3$ ) функция орқали ифодалаймиз:

$$y_3 = k_2 \Delta x_1 + k_3 \Delta W;$$

Бу ерда:

$y_3$  – саноат корхоналарида ишловчилар меҳнат унумдорлиги ошишидан давлат оладиган самара функцияси;

$k_2$  – солиқларни ишлаб чиқарилган маҳсулотга боғлиқлик коэффиценти;

$k_3$  – солиқларнинг иш ҳақи ошиши билан боғлиқлик коэффиценти.

$k_2$  коэффицентини қуйидагича ҳисобланади:

$$k_2 = \frac{T^m}{Y}$$

Бу ерда:

$T^m$  – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ солиқлар;

$Y$  – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

$k_3$  коэффицентини қуйидагича ҳисобланади:

$$k_3 = \frac{T^m}{W_y}$$

Бу ерда:

$T^m$  – саноат корхоналарида ишловчилар иш ҳақидан олинадиган солиқлар;

$W_y$  – саноат корхоналари ишловчиларининг ўртача иш ҳақи;

## ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

Юқоридагилардан кўриняптики, саноат корхоналарида самарадорлик ошиши нафақат саноат корхоналарида ишловчилар, балки бутун аҳоли турмуш даражаси ошишига олиб келади. Шундай экан, саноат корхоналарининг самарадорлиги оширилиб, уларга юқори технологиялар кўпроқ жорий этилса, аҳоли турмуш фарвонлиги ошиб бораверади.

### *Адабиётлар:*

1. Каримов И. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // "Халқ сўзи". 2013 йил 19 январь.

Тадқ. Ж. Мусаева

### *Иқтисодий-иқтисодий глобаллашиши шараоитида инвестицион фаолликни ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожлантириш зарурияти*

Мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи маъно-мазмунли жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодий-иқтисодий тобора интеграциялашуви ва глобаллашуви кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдонда рақобат кескинлашувига ҳам ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураши кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, бу ўринда таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодий-иқтисодий интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатларда иқтисодий ривожланиш бир текисда бормаслиги, аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши улар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича тафовут, экологик таҳдидлар кучайиб бориши каби ҳолатлар жаҳон хўжалиги яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Мазкур жараёнларнинг яна бир хусусиятли жиҳати шундаки, бир мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзалар муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Миллий иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожланиши, самарали таркибий тузилмага эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестиция фаолиятига боғлиқ. Шунга кўра, инвестиция фаолияти миллий иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Инвестиция фаолияти асосидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фан-техника тараққиётининг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир кўрсатади, ишчи кучи бандлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Шунингдек, мазкур фаолият иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришлар, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлаштирилиши ва ривожланишига аҳамиятли таъсир этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодий-иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта куриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади»[1].

Инвестиция фаолияти ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки шу фаолият орқали мамлакат ишлаб чиқариш қувватининг юқори даражада ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ортиши, моддий ва маънавий эҳтиёж қондирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма соҳасининг ривожланишини таъминлаш мумкин. Ҳозирги замонда инвестиция фаолияти иқтисодий тузилмани ўзгартиришни амалга оширувчи асосий дастак бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавийлаштириш, табиий ресурс ва ҳудудларни ўзлаштириш, аҳолини ишбилан таъминлаш, фан-техникани ривожлантириш, экологик муаммоларни бартараф этиш кабиларга қаратилиши керак.

Инвестиция фаолияти ҳозирги шароитда бозор иқтисодий-иқтисодийнинг миллий ва жаҳон даражасисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш мамлакат иқтисодий-иқтисодийнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки ва тадбиркорликнинг эркин тармоқларига капиталнинг оқиб ўтиши тизими билан шартлашган объектив зарурат